

(1451-йил, Самарканд – 1494-йил, Оксув мавзеси, Ўратепа)
(1469-1494)

Темурийлардан бўлган Мовароуннахр хукмдори (1469-1494). Абу Саид Мирзонинг катта ўгли. Онаси – Ўрда Буга Тархоннинг кизи. Отаси унга Самарканд ва Бухоро вилоятлари ҳокимлигини берган. Кейинчалик Тошкент, Шохрухия ва Сайрамни ўз тасарруфига киритган. Тошкент ва Сайрамни укаси Умар Шайх Мирзога топширган. Хўжанд билан Ўратепа ҳам бир неча муддат унинг тасарруфида бўлган. 1493-йил Султон Ахмад Мирзо куёви, Тошкент хони Султон Махмудхон билан иттифок тузиб Андижонга – Умар Шайх Мирзога қарши юриш бошлайди, улар Андижон, Аҳси ва Маргилонни камал қиладилар. Шу пайтда Аҳсида Умар Шайх Мирзо тўсатдан вафот этиб, тахтга 12 ёшли Бобур ўтирган. Бек ва амирлар халқни душманга қарши сафарбар этадилар. Султон Махмудхон Тошкентга қайтиб кетган. Султон Ахмад Мирзо Бобурга Фаргона ҳукмронлигини “инъом” этиб Самаркандга қайтган, бироқ Ўратепага етганда вафот этган. Султон Ахмад Мирзо Мовароуннахрда нуфузи ниятда баланд бўлган Хожа Ахрорни ўзига пир тутган. Ойша Султон бегим ва Маъсума Султон бегим исмли кизлари Бобурнинг хотинлари бўлган.